

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ**

**М.Т.ТУРГУНОВ, А.А.ТУЛЯГАНОВ,
А.А.САИДОВ, С.Ш.ДЖАЛИЛОВ,
С.М.ТУРСУНБОЕВ, Э.Э.ДУСАНОВ
Ж.Ж.ИСМАИЛОВ**

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА
ЁШ АВЛОДНИНГ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИНИ
ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Тошкент – 2024

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ**

**М.Т.ТУРГУНОВ, А.А.ТУЛЯГАНОВ,
А.А.САИДОВ, С.Ш.ДЖАЛИЛОВ,
С.М.ТУРСУНБОЕВ, Ж.Ж.ИСМАИЛОВ**

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА
ЁШ АВЛОДНИНГ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИНИ
ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Ўқув қўлланма

Тошкент – 2024

Масъул мухаррир: Ўзбекистон Республикаси ФА академики, юридик фанлари доктори, профессор А.Х.Саидов

Тақризчилар:

юридик фанлари доктори, профессор М.М.Мамасидиков
юридик фанлари доктори, профессор Н.П.Азизов

**М.Т.Тургунов, А.А.Туляганов, А.А.Саидов, С.Ш.Джалилов,
С.М.Турсунбоев, Э.Э.Дусанов, Ж.Ж.Исмаилов.**

Ёш авлоднинг хуқуқий саводхонлигини ошириш масалалари
[Матн]. Ўқув қўлланма / муаллифлар жамоаси. – Т.: Нашиёти, 2024. 750 б.

Ушбу ўқув қўлланмада Янги Ўзбекистонда ёшлар ва бизнесни қўллаб-кувватлаш йилида амалга оширилаётган сермазмун ишлар, ёш авлоднинг хуқуқий саводхонлигини ошириш ҳолати ва бу борада олиб борилаётган давлат сиёсати, уларнинг умумий ва хуқуқий маданиятини юксалтиришга бағищланган янги ташаббуслар, илғор мақсадлар, устувор йўналишлар ҳамда истиқболли режаларга алоқадор бўлган масалалар таҳлил этилган.

Бундан ташқари, мазкур асарда Бола хуқуқлари инсон хуқуқларининг энг муҳим қисми сифатида эканлиги борасидаги фикрлар, ушбу хуқуларнинг бузилмаслиги, уларнинг давлат органлари томонидан муҳофаза этилиши билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар ўрин олган.

Ногиронлар хуқуқлари тўғрисидаги конвенция ҳамда республиканизминг амалдаги қонунчилигининг ногиронлиги бўлган ёшларнинг хуқуқларини таъминлашдаги ўрни билан боғлиқ эътиборга молик таклифлар келтирилади.

Мазкур ўқув қўлланма ёшларга оид масалалар юзасидан фаолият олиб борувчи давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимлари, ўқув юртларининг талабалари ва профессор-ўқитувчилари, маҳалла фаоллари, тадқиқотчилар ва илмий ҳодимлар учун мўлжалланган.

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА	5
БИРИНЧИ МАВЗУ. Янги Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш билан боғлиқ давлат сиёсати.	9
ИККИНЧИ МАВЗУ. Ўзбекистон Республикасида ёшлар ҳуқуқларининг таъминланишига бағишланган янги режалар, йўналишлар ва ташаббуслар.	17
УЧИНЧИ МАВЗУ. Янги Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш йўналишлари ҳамда дарс ўтиш методикаси борасидаги мулохазалар.	25
ТЎРТИНЧИ МАВЗУ. Бола ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг энг муҳим қисми сифатида эканлиги борасидаги фикрлар.	30
БЕШИНЧИ МАВЗУ. Ўзбекистонда бола ҳуқуқларига доир сиёсат ҳамда ҳуқуқий хужжатлар.	38
ОЛТИНЧИ МАВЗУ. Ногиронлиги бўлган ёшлар ва уларнинг ҳуқуқлари эътиборга молик йўналишлiği борасидаги фикрлар.	52
ЕТТИНЧИ МАВЗУ. Ёш авлод вакиллари ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни шакллантиришнинг устивор масалалари.	85
ХУЛОСА	96
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	100
ИЛОВАЛАР	111

**“ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ
ЮКСАЛТИРИБ БОРИШ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ ВА ҚОНУНИЙЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ
ЭНГ МУҲИМ ШАРТЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ”¹.**

**Ш.М.МИРЗИЁЕВ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ПРЕЗИДЕНТИ**

МУҚАДДИМА

Инсониятнинг энг буюк ғояларидан бири бу шахснинг эркинлиги ғоясидир. Биз томонимиздан ўтказилган таҳлиллар шуни қўрсатмоқдаки, эркинлик устивор бўлган жамиятдагина иродали, ҳорижий ҳамкарабалари билан рақобат қила оладиган, кенг фикрлаш қобилиятига эга, билимларга чанқоқлик, яратувчанлик, фаровонлик, инсонпарварлик, бунёдкорлик ишларига ҳар доим ҳозир, илм-фан, маданият ва замонавий ишлаб чиқариш жараёнларида серҳаракатчан ёш авлодни етиштириш жуда бир долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Бу ҳаёт аксиомаси бўлиб, унинг хеч ким инкор этмаса керак.

Ҳозирги реал воқеликни теран таҳлил қила биладиган, қолипда қолган сўзларни тан олмайдиган, ташаббускор, юксак ватанпарварлик, халқпарварлик тамойилларини фаолиятининг негизига қўядиган авлодгина ўз юртининг эртанги келажагини яратиш қобилиятига эга бўлади.

“Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёев мунтазам равишда ёшлар масалаларига урғу бериб, ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбияси, таълими, умумий маданияти ва маънавияти, ҳуқуқий маданияти ва билимлари даражасини оширишга жуда катта эътибор қаратиш лозимлиги ҳамда Янги ўзбекистоннинг тақдири шу авлоднинг қўлида эканлигини доимо таъкидлайдилар”².

**“АБДУЛЛА АВЛОНИЙ: ТАРБИЯ ОДАМЛАР УЧУН Ё ҲАЁТ, Ё
МАМОТ, Ё НАЖОТ, Ё ҲАЛОКАТ, Ё САОДАТ, Ё ФАЛОКАТ
МАСАЛАСИДУР”³.**

¹ Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида // <https://president.uz/uz/lists/view/2338>

² Қаранг: А.А.Усманова. Политико-психологические основы формирования социальной активности молодежи Узбекистана. Перераб. и доп. – Т.: Филиал РГУ (НИУ), 2020. – 230 с.

³ Абдуллаев Ё. Фарзанд тарбияси ва осудалик. 2-жилд. Fan va texnologiyalar nashrioyt-m afbaa iiyi", Т., 2022 йил, 9 б

Хар бир жамиятнинг, қолаверса ҳар бир давлатнинг келажаги, истиқболи, унинг келгусидаги ривожланиш жараёнларининг муваффақиятли амалга оширилиши ўсиб келаётган ёш авлодга боғлиқлигини хеч ким шубҳа остига олмаса керак.

Бизнингча, “**мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижаотли ёшларни тарбиялаш**”⁴ ҳамда бу бордаги давлат сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш, ёш авлодни мунтазам равишда қўллаб-қувватлаш энг асосий ва устувор вазифа сифатида бўлиши шарт.

“СЕНЕКА: БОШҚАЛАРГА БИЛИМ БЕРИБ ЎЗИМИЗ ҲАМ ДОИМ ЎРГАНАМИЗ”⁵.

“Давлатимизнинг 33 йиллик мустақил ривожланиш йўлида ёшларга оид устивор сиёсат тубдан ислоҳ этилиб, уларнинг маънавий камолотига эришиш, ҳуқуқий ва сиёсий бибимлар даражасини оширишга эришиш, экологик ва ҳуқуқий маданият даражасини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаёганлиги алоҳида айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Лекин бу йўналишда хали амалга ошириладиган ишлар талайгина эканлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак”⁶.

“**Биз томонимиздан ўтказилган тадқиқотлар ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган илмий изланишларда ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бағишланган хулосалар, таҳлиллар, таклифлар, бу борадаги камчиликлар ҳамда уларни бартарапф этиш йўллари ўз аксини топган ва тадқиқотчилар бу маслаларга катта эътибор қаратишлари лозим, яъни ёшларнинг миллий қадриятларни чуқур англашларига эришиш; ёшларнинг умумий, илмий, руҳий, маънавий ва бошқа хусусиятларини чуқур ўрганиш; ёшларнинг кундалик қизиқиши доираларини аниқлаб олиш; ўқувчиларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш йўллари, принциплари, усул ҳамда шаклларини таҳлил этиш, уларнинг самарадорлигини таъминлашга оид илмий тавсия ва таклифларни шакллантириш лозим; ёшлар таълими ва тарбиясига эътибор ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналиши**

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Харакатлар стратегияси тутрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. 2017 й.. 6-сон, 70-модда.

⁵ А.А.Туляганов ва бошқалар. Тафаккур угитлари – Кладезъ мудrosti. Т., 2020 й, 78-б

⁶ Қаранг: А.А.Усманова. Политико-психологические основы формирования социальной активности молодежи Узбекистана. Перераб. и доп. – Т.: Филиал РГУ (НИУ), 2020. – 230 с.

эканлигидан келиб чиқиб, ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини очиш, унинг амалга оширилиши ҳолатини таҳлил этиш; ҳуқуқий ва сиёсий тарбиянинг асосий объекти бўлган ёшларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, улар билан тил топиша олиш кўникмаларини шакллантириш; ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш соҳасидаги касбий, ташкилий ва методик инфратузилмаларни таҳлил этиш, уларнинг самараси ва натижавийлигини ўрганиш; ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини шакллантириш ҳамда юксалтиришда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари имкониятларидан фойдалана олиш ҳамда ижтимоий шериклигининг аҳамиятини теран англаб олиш кўникмаларини шакллантириб олиш; давлат ва жамият ҳаётида шиддат билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда модернизациялаш жараёнлари хукмрон бўлган шароитда ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий фаоллигини янада оширишнинг мақбул йўлларини излаш, бу борадаги касбий тайёргарликнинг мезонлари ва талабларини такомиллаштиришга йўналтирилган таклифлар ишлаб чиқиш; ёшларнинг ҳуқуқий ва маънавий тарбиясини такомиллаштириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан таълим муассасалари ва давлат органларининг профилактик функцияси таъсирчанлигини оширишга оид тавсияларни қўрқмасдан илгари суриш; ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий тарбиясини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш борасидаги хорижий тажрибани ўрганиш, халқаро стандартларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш имкониятларини аниқлаш; имкон бўлса, ёшларни мамлакатни бошқариш ишларида қатнаша олишларини уларга тушунтириб етказиш мақсадида, уларга оид давлат сиёсатини оптималлаштириш, такомиллаштириш ҳамда ўзgartаришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарур”⁷.

Таъкидлаш лозимки, 2018 йил 30 июнда Ўзбекистон Республикасида биринчи маротаба “Ёшлар қуни” байрам қилинди. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Ўзбекистон ёшларига байрам табриги йўллаб, унда қуйидаги муҳим жиҳатларни таъкидлади: “**Ёш авлодимизнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини намоён қилиш ҳамда фаоллигини кучайтириш, уни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган баркамол шахслар этиб тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмокда.** Энг муҳими, ёшлар билан доимий

⁷ Каранг: А.А.Усманова. Политико-психологические основы формирования социальной активности молодежи Узбекистана. Перераб. и доп. – Т.: Филиал РГУ (НИУ), 2020. – 230 с.

мулоқот олиб бориш, уларнинг жамиятнинг муносиб аъзосига айланиши вазифаси фаолиятимизнинг мезонига айланиб бормокда”⁸.

“МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ: ДУНЁ ИМОРАТЛАРИ ИЧИДА ЭНГ УЛУФИ МАКТАБДИР”⁹.

“Замонавий ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий савиясини юксалтиришда, уларнинг ижтимоий-сиёсий билимлари, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида фармони билан “Ёшлар келажагимиз” Давлат дастурининг қабул қилингандиги ҳам унтилмас воқеа бўлди”¹⁰. Фикримизча, у ёшларнинг касб-хунар эгаллаши, эркин тадбиркорлик билан шуғулланишига мислсиз имкониятлар яратиб берди.

Шундай қилиб, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “...биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни устувор вазифа сифатида бугун давр талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Сизларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаб, ҳаётда ўз мустаҳкам ўрнингизни топишингиз, баҳтли бўлишингиз учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”¹¹.

Мазкур илмий ишланма ёшлар билан ишлашга бел боғлаган мутахассислар, қолаверса, кенг китобхонлар учун илмий янгилик бўлган бўлса жуда миннатдор бўламиз.

⁸ Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. Халқ сўзи, 2018 йил 30 июнь.

⁹ А.А.Туляганов ва бошқалар. Тафаккур угитлари – Кладезъ мудrosti. Т., 2020 й., 78-б

¹⁰ Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. Халқ сўзи, 2018 йил 30 июнь.

¹¹ Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. Халқ сўзи, 2018 йил 30 июнь.